

Махмуд ЙЎЛДОШ

СИДРАНИНГ ТЎРТ
МЕВАСИ
(Тўртликлар)



“Kamalak“ нашриёти
Тлшкент-2015

84(5Ў)7

Й-73 Йўлдош, Махмуд Сидранинг тўрт
меваси / М. Йўлдош. - Тошкент : Камалак-
Пресс, 2015. - ? б.

КБК 84(5Ў)7

978-9943-4374-5-6

Сидранинг тўрт меваси

1

Ғам юзин кўрмаган ғамни не билсин,
Яхшининг тилаги “Юрт омон бўлсин”.
Менинг ҳам тилагим доимо шундай,
Элим омон бўлиб чин бахти кулсин.

2

Боламга бердим у илмим борини,
Кўрдим-ку у билар менда борини.
Илмни излашни ўргатдим шунда,
У ортада қолдирди устозларини.

3

Гулни деб тиконлар кучмоққа шайман,
Қалби уввос солган бечора найман,
Эвоҳ, тиконлар кўп, қамиш най эмас,
Эртага не бўлмай, бугун билмайман.

4

Куйга солсанг умрни ғазал бўлади,
Нолийверсанг ундан азал бўлади.
Меъёрнинг сирини бермаган Тангри,
Ҳаётни севсанг у гўзал бўлади.

Маҳмуд Йўлдош

5

Каъбага бормадим, каъбам Ватаним,
Оллоҳнинг неъматини жоним ва таним.
Жон фидо қилмоққа каъбам бор экан,
Бекорга ўтмасин бир зум ҳам дамим.

6

Иккимиз ҳам яна йўқолиб қолдик,
Соат милларининг сояларида.
Сен Зухро, мен Тоҳир, ҳушёр бўлайлик,
Севги – сандиқ – ҳаёт қояларида.

7

Болага пул берсанг савдо қилади,
Бермасанг агарда ғавғо қилади.
Оғриқ белу асли бола сеники,
Тарбиясиз дардни қайдан билади.

8

Кимлардир кўради кенг кўчани тор
Бунинг ҳам ўзича бир сабаби бор.
Кенг жаҳон кўзимга тор бўлар экан,
Қиш бўлиб кўринар атрофда баҳор.

Сидранинг тўрт меваси

9

Дунё юзин кўрдинг қароғим,
Энди жаҳон сеники буткул.
Эзгу фикр, эзгу сўз бўлгин,
Эзгу амал дунёга битгил.

10

Кеча тунда ҳовлимда ётиб,
Юлдузларни кузатдим ҳайрон.
Юлдузчалар шивирлаб айтди,
Бизга етмоқ, қалбингда имкон.

11

Аждодлар руҳига айтдик бир дуо,
Уларга жаннатни ўзинг кўр раво.
Ҳар бир иймонлига тилагимиз шу,
Бизни ҳам уларга тенг кўргин Худо.

12

Барчаси бекордир, ваъдалар бекор,
Севгисиз ул тўйу қаъдалар бекор,
Шунинг-чун ҳақ никоҳ аршда ўқилгай,
Мажнунвор севгига Қаъбалар бекор.

Маҳмуд Йўлдош

13

Айт, оғам, кучингни кимга берурсан,
Нодон унинг асло қадрини билмас.
Кўчада одамлар кетиб боради,
Қайси нодон унинг ҳеч доно билмас.

14

Жодунинг тиғини кўрар асли кўз,
Ҳаёли инсонга етар битта бўз.
Ҳаммасин давоси табиб айтгандай,
Вақтида айтилган битта ширин сўз.

15

Алдамоқ кўп бўлса бир марта яхши,
Касални алдайди руҳ қўшиб бахши.
Бир умр алданиб алдаб яшаймиз,
Инсондир ҳаётнинг беназир нақши.

16

Йигитлик гулшани ўтди, ҳур кетди,
Кўнглим чаноғида сирли дур ўтди.
Мен қайдан билибман, кўнглим чоҳига,
Қўлларим узатсам бир озор етди.

Сидранинг тўрт меваси

17

Алданманг дол қадди букикликига,
Алданманг алифнинг ё тиклигига.
Ҳар бир ҳарф ўзига ўзи мадақдор,
Файласуф фикри зўр ётиқлигида.

18

Йиллар ўтиб армонларим йитилди,
Илк ёмғирдай кўз ёшларим ситилди.
Қайта-қайта келаверар бу баҳор,
Дардим тўлиб дил азобим етилди,

19

Ҳар қалай дунёни кеза олмадим,
Тузоқ ҳам кўймадим кимдир изига.
Олмадай дунёни ёддан айландим,
Ҳаётбахш тупроғин суртдим кўзимга.

20

Армон ҳижрон билан боғлади оғуш,
Дардларим номини билмам фаромуш.
Қартайган дунёдан ёшлик изладим,
Дил қувонч билмади, ўтдим кўп хомуш.

Маҳмуд Йўлдош

21

“Бахт ўзи нима”деб, сўрсалар мендан,
Оддий ҳақиқатни айтаман аста.

Бахт бу – оилангда омон яшасанг,
Ҳаётга қарасанг ҳар дам ҳавас-ла.

22

Аёлни севишда ҳамма ҳам шоир,
Шоирлик кўпларга осон касб ҳозир.
Ширинлик қилади шоирнинг сўзи,
Севаман деёлмас дил бўлса тахир.

23

Баъзилар айтади бу ҳаёт бир бор,
Қаранг, яшамокнинг ўта завқи бор.
Ижод дарёсининг ирмоғи бўлсанг,
Дарё ва қирғоқда сир тўла асрор.

24

Агар кеча аниқ билганда эдим
Замонанинг зайли аччиқ эканин,
Бу дунё ишларин таҳлил этардим,
Ақл тафаккурда топиб имконин.

Сидранинг тўрт меваси

25

Бахри байт бошласам кулиб турасиз,
Шеърлар шодасини менга иласиз,
Ҳарифим йўқ эрди, деб юрганимда,
Номим чиқиб қолди, уни биласиз.

26

Билдим, бу дунёга билмай келамиз,
Ҳеч нарса олмаймиз яна кетамиз.
Келмоқ бору бунда, кетмоғи ҳам бор,
Барини тушунмай қайга кетамиз.

27

Ҳар қалай олам бу уйимиз бизнинг,
Тирик жон, яшаш бу тўйимиз бизнинг.
Очун узра одам бўлиб яшамоқ,
Ҳузур кўрар жаннат жойимиз бизнинг.

28

Бир боқсанг бу олам гўзалдир фақат,
Аммо сийнасида дард ётар қат-қат.
Даво излаб дардга дуч бўлар одам,
Дарднинг давосими аччиқ ҳақиқат.

Маҳмуд Йўлдош

29

Ўзимни одам деб айтмоғим учун,
Баъзида кўзимдан чиқади учқун.
Қанчалар илмни билмоғим керак,
Хаётда одамдай яшамоқ учун.

30

Бирга айланади чор, дону, ғалвир,
Буни кутиб турар тегирмон, сигир.
Чору донни бирга еб бўлмас, аниқ,
Наҳот бирга келар инсонга тақдир.

31

Қадим у мозийга кетган боболар,
Ҳазрати инсон деб ўтган боболар.
Тоғни тоққа ураб ҳайҳот айтишиб,
Гоҳ шароб гоҳ заққум ютган боболар.

32

Бир сўз камлик қилди тарбиям учун,
Икки сўз кўрсатди ўринсиз кучин.
Мен ўзим ўзимча “Мен” бўлмоғимга,
Бир сўзга сўз излаб, баридан қочдим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2609>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2609>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2609>